ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ МИРЗО ЗОКИРОВИЧ

СПИН-ҚАЙТА ОРИЕНТАЦИЯЛАНУВЧИ ФАЗАВИЙ ЎТИШЛАР СОҲАСИДА НОДИР ЕР ФЕРРИТ-ГРАНАТЛАРИНИНГ ДОМЕН СТРУКТУРАСИ ВА МАГНИТООПТИК ХОССАЛАРИ

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 538.1:548

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шарипов Мирзо Зокирович
Спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар соҳасида нодир ер феррит-гранатларининг домен структураси ва магнитооптик хоссалари 3

Шарипов Мирзо Зокирович
Доменная структура и магнитооптические свойства редкоземельных ферритов – гранатов в области спин – переориентационных фазовых переходов .....……..……..... 27

Sharipov Mirzo Zokirovich
Domain structure and magneto-optical properties of rare - earth ferrites – garnets in the region of spin-reorientation phase transitions. 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..……..…….. 55

ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ МИРЗО ЗОКИРОВИЧ

СПИН-ҚАЙТА ОРИЕНТАЦИЯЛАНУВЧИ ФАЗАВИЙ ЎТИШЛАР СОҲАСИДА НОДИР ЕР ФЕРРИТ-ГРАНАТЛАРИНИНГ ДОМЕН СТРУКТУРАСИ ВА МАГНИТООПТИК ХОССАЛАРИ

01.04.09 – Магнит ҳодисалари физикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/FM68 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Джураев Даврон Рахмонович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мукимов Комил Мукимович** физика-математика фанлари доктори, академик
	Азаматов Закиржан Тахирович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ибрагимова Эльвира Мемедовна физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ион плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33 -уй. Тел./факс: (+998-71) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33 -уй. Тел./факс: (+998-71) 262-32-54.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда спин электрониканинг энг асосий муаммоси – магнитланувчанлик кўринишидаги ахборотни электр кучланишига алмаштиришдир. Ҳозирги вақтда ушбу муаммо гигант магнит қаршилик ҳодисасидан фойдаланиб ечилмоқда. Магнитоэлектрик эффектлар ушбу муаммо ечимининг альтернатив усули бўлиб гигант магнит қаршилиги ҳодисасига асосланиб ишлайдиган спин – электроника қурилмаларига рақобатни юзага келтирмоқда. Келгусида ток зичлигини ошириш оқибатида ҳаддан ташқари иссиқлик чиқишининг олдини олувчи магнитоэлектрик ҳодисалардан фойдаланиб ахборотни электр токи ёрдамида ёзишдан воз кечиш имкониятини очиб бериш, бу йўналишдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда, янги авлод спин электрониканинг жадал ривожлантириш, магнитоэлектрик эффектлар асосида ишловчи спин электроника қурилмалари ва асбоблари учун элемент база сифатидаги материалларда ахборотни термомагнит ёзиш, сақлаш ва ҳисоблаш хусусиятларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан нодир ер феррит-гранатлари (НЕФГ)да катта флексомагнитоэлектрик эффектлар (бир жинсли бўлмаган магнитоэлектрик эффект) хона ҳароратида ҳам кузатиш, ферримагнетикларнинг эпитаксиал қатламларидаги домен чегараларини унчалик катта бўлмаган бир жинсли электр майдони воситасида бошқариш, феррит-гранатлар домен структураларининг параметрлари ва хоссаларини чуқур тадқиқ этиш замонавий материалшунослкнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда мазкур соҳада салмоқли илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, хусусан, замонавий магнитооптик материалшунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Материалнинг домен структураси нотурғун ва домен чегаралари харакатчанлиги кескин ўзгарувчи нодир ер феррит гранатларининг магнит ориентацион фазавий ўтишлар соҳасидаги домен структураси ўрганилди, бунда фазавий ўтишлар яқинида ташқи таъсир (босм, электр ва магнит майдони) лар домен структурасига кўрсатадиган таъсир ҳал қилувчи ахамиятга эгалиги аниқланди ва материал домен конфигурациясини нисбатан кичик майдонлар воситасида бошқариш имкониятини очиб берди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан спин электроника соҳасида магнит материалларнинг домен тузилиши ташқи таъсирлар ёрдамида режали бошқариш ва магнитооптик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772 -сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини

ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги Қарорини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1]. Магнетиклардаги спин қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар ва магнитооптик хоссаларининг турли йўналишлари бўйича жахондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан: the center for materials Research and analysis, University of Nebraska (АҚШ), the department of Materials Science and Engineering (Тел Авив, Исроил), the institute de Ci'encia de materials de Barcelona (Испания), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Россия фанлар академияси А.Н.Прохоров номидаги умумий физика институти, Харьков қуйи ҳароратли физика-техника институти (Украина) ва Ўзбекистон Миллий университетида изланишлар олиб борилмоқда.

Спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар соҳасида нодир ер феррит-гранатлар домен структурасининг ўзгаришини ва магнитооптик хоссалари тадқиқ қилишда жаҳон миқёсида бир қанча муҳим илмий натижалар олинган: феррит-гранат плёнкалари домен чегараларини магнито-электрик бошқариш усуллари ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Россия); магнитоэлектрик эффектларнинг магнитоэлектроника қурилмаларига қўллаш асослари аниқланган (University of Nebraska, АҚШ); нодир ер феррит гранатларида спонтан фазавий ўтишларнинг янги усули ишлаб чиқилган (Донецк миллий университети, Украина); мультиферроикларнинг магнитланувчанлиги ва магнитоэлектрик эффектларнинг ўзаро боғлиқлик аниқланган (Россия фанлар академияси А.Н.Прохоров номидаги умумий физика институти, institute de Ci'encia de materials de Barcelona, Испания); магнетикларда спин қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишларнинг айрим хусусиятлари ишлаб чиқилган (Бошқиристон давлат университети, Россия); магнит тизимларда турли фазавий ўтишларни бир қанча моделлаштириш усуллари яратилган (Россия фанлар академияси физика институти); мураккаб магнит қатламли структуралар домен чегараларининг ўзгариш усуллари ва магнит хоссалари аниқланган (Челябинск давлат университети, Россия) ва спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар соҳасида нодир ер феррит-гранатларининг домен структураси ва магнитооптик хоссалари ўрганилган (Ўзбекистон миллий университети ва Бухоро давлат университети).

[1]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот шарҳи қуйидаги манбалар асосида олиб борилди: https://journals.aps.org, https://ufn.ru, https://www.elsevier.com, https://apps.webofknowledge.com, iopscience.iop.org, journals.ioffe.ru, Web of Science, Scopus, Springer. Research Gete ва бошқа адабиёт манбаларидан.

Ҳозирги вақтда жаҳонда нодир ер феррит-гранатларининг домен структураси ва магнитооптик хоссалари тадқиқ қилиш борасида катта потенциалга эга магнетиклар спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишларини ўрганувчи илмий тадқиқот ишлари олиб борилган: спин электроникада; нано магнитизмда; магнит микроэлектроникада; амалий магнитооптикада; кичик ўлчамли тизимлар нанотехнологиясида; замонавий материалшуносликнинг сенсор қурилмаларида ва энергомустақил хотира элементларида.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда нодир ер феррит грантатларининг хона ҳароратидаги домен структураси экспериментал ва назарий жихатдан етарлича тадқиқ этилган. Нодир ер феррит-гранатларида олиб борилган ушбу тадқиқот натижалари (асосан эпитаксиал магнит қатламлар) тола ва интеграл оптика турли қурилма ва асбобларининг базавий элементи сифатида (В.В.Рандошкин и А.Я.Червоненкис), шунингдек магнит микроэлектроника соҳаларида кенг қўлланилган (А.Бобек, Е.Дела-Торре). Нодир ер феррит-гранатлари кубик симметрияга эга бўлганлиги сабабли доменлардаги спонтан магнитланувчанлик вектори бир неча йўналишда жойлашиши мумкин. Нодир ер феррит-гранатларининг бу ўзига хос магнит кўп ўқлилиги улардаги домен конфигурацияларининг турлича бўлишига олиб келган ва тадқиқ этиладиган намуналарнинг кристалографик ориентациясига боғлиқ бўлган.

Нодир ер феррит-гранат домен структураларини тадқиқ этишда ферримагнетиклар эпитаксиал қатламларидаги домен чегаралари жойлашувини бир жинсли бўлмаган электр майдони ёрдамида бошқариш (флексомагнитоэлектрик эффект) рус олимлари А.С. Логгинов, Г.А. Мешков, А.В. Николаев ва А.П.Пятаков томонидан кашф қилингандан кейин айниқса кескин ривожланган. Бу эса Москва давлат университети олимлари А.К. Звездин ва А.П. Пятаков томонидан флексомагнитоэлектрик эффектдан фойдаланган ҳолда спин электроникаси асбобларининг янги авлодини ишлаб чиқиш истиқболи-ни очиб берган.

Шу билан биргаликда нодир ер феррит-гранат домен чегараларининг кўплаб хусусиятлари ҳозирга қадар кам ўрганилганлиги В.В.Волков ва В.А.Боков томонидан аниқланган, жумладан муҳим ахамиятга эга бўлган ва магнит микроэлектроникаси асбобларининг тез ишлашини белгилаб берувчи домен чегараларининг ҳаракатчанлиги нодир ер феррит-гранатларда мавжуд домен чегаралари динамикаси назариясидан келиб чиқувчи натижадан ўнлаб марта кичиклиги белгиланган.

Шунингдек нодир ер феррит гранатларининг магнит компенсация ҳарорати яқинидаги хусусиятлари очиқлигича қолмоқда. Нодир ер феррит-гранатларнинг магнит компенсация ҳарорати нуқтасидан ўтишда домен структураларни эволюцияси амалда экспериментал тарзда тадқиқ этилмаган ва мавжуд назариялар ҳарорат магнит компенсация ҳароратига яқинлашганида ($T \to T_c$) бир қийматли натижага олиб келмаган, жумладан украиналик олимлар В.Г. Барьяхтар, А.Н.Богданов ва Д.А.Яблонский томонидан $T \to T_c$ кристалнинг магнитостатик энергияси нолга интилганлиги учун энергетик нуқтаи назардан домен структуранинг мавжудлиги фойдали бўлмай қолиши

ва бунинг оқибатида T_c ҳарорат атрофидаги бирор ҳарорат оралиғида доменлар орасидаги чегаралар йўқолиши ва кристалл доменсиз бир жинсли магнитланган ҳолатга ўтиши кўрсатилган.

Аммо нодир ер феррит-гранталарнинг магнит ҳолатини тавсифловчи *H-T* – диаграммага кўра компенсация ҳарорати яқинида темир ва нодир ер панжараларидаги магнит моментларининг бир бирига нисбатан кесишма бурчак ҳосил қилган ҳолдаги жойлашуви энергетик нуқтаи назардан афзалроқ бўлган. Демак бу ҳолда $T \to T_c$ магнит кристалдаги домен чегаралар ва демак домен структуралар ҳам мавжуд бўлиши лозимлиги келиб чиқиши К.П. Белов, А.К. Звездин, А.М. Кадомцева ва Р.З. Литвинов томонидан аниқланган.

Ўзбекистонлик олимлар, айниқса академик К.М. Мукимов, проф. У.В. Валиев, проф. Д.Р. Джураев ва ф-м.ф.д. Б.Ю. Соколов томонидан турли магнит кристаллар ва нодир ер феррит-гранталарнинг магнитооптик хусусиятлари ва домен тузилишини ўрганиш бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотлар олиб борилган. Нодир ер феррит-гранталар домен структураларининг магнит ориентацион фазавий ўтишлардаги эволюциясига алоқадор юқоридагига ўхшаш қатор ҳал қилинмаган масалалар мазкур диссертация ишининг асоси бўлиб хизмат қилган ва унинг тадқиқот мавзусини белгилаб берган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Бухоро муҳандислик-технология институтида олиб борилган ёш олимларнинг ЁФ2-ОТ-0-19724, ЁФ2-4 «Кучсиз ферромагнетикларда фотомагнит ҳодисалар» (2014-2015), ЁФ2-1 «Ориентацион ўзаро таъсирни инобатга олган ҳолда феррит гранатларнинг магнитооптик хоссалари ва фазавий ўтишларини тадқиқ этиш» (2016-2017) фундаментал илмий лойихалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нодир ер феррит-гранатларнинг магнит ориентацион фазавий ўтишлардаги домен структураларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ҳамда домен структурасининг бу ўзгаришлари билан боғлиқ магнит материалнинг амалий тавсифлари (домен чегараларининг ҳаракатчанлиги, магнит қабул қилувчанлик, коэрцитив куч ва ҳ.к.) ўзгаришини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг енгил магнитланувчанлик ўқи йўналишини спонтан қайта ориентациялашда уларнинг домен структураси эволюциясини тўғридан тўғри визуал кузатиш;

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг бошланғич магнитооптик қабул қилувчанлиги ҳамда Фарадей эффекти магнит гистерезисининг ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш;

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранати домен структурасининг спонтан спин қайта ориентациялаш ҳарорати оралиғида домен структурасининг қайта шаклланишини тавсифловчи моделни ишлаб чиқиш;

$Ho_{0,6}Y_{2,4}Fe_5O_{12}$ феррит гранати домен структурасининг ҳамда спонтан Фарадей эффектининг унда ҳосил қилинган планар икки ўқли механик

кучланиш таъсирида юзага келувчи ориентацион фазавий ўтишда ҳароратга боғлиқлигини экспериментал кузатиш;

$Ho_{0,6}Y_{2,4}Fe_5O_{12}$ феррит гранатида кузатилувчи ориентацион фазавий ўтишни икки ўқли кучланишли кубик кристалл термодинамик потенциалига асосланган феноменологик назариясини ривожлантириш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг домен структураларини магнит компенсация ҳароратини ўз ичига олувчи кенг ҳароратлар интервалида экспериментал равишда кузатиш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг бир доменли ва кўп доменли ҳолатларини ажратувчи H-T – диаграммани экспериментал тарзда аниқлаш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатида кузатиладиган техник магнитланиш жараёнига T_c ҳарорат яқинида кристаллнинг домен структураси муҳим таъсир кўрсатишини аниқлаш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатида экспериментал кузатилган магнит компенсация нуқтаси орқали ўтувчи ҳароратларда техник тўйиниш майдонининг катталиги ва магнит гистерезис илмоғи шаклини ўзгаришини тавсифлаш имконини берувчи, кристалл панжара дефектида домен чегаралари пинингини ҳисобга олган T_c ни ўз ичига олган ҳароратлар соҳасида содир бўлувчи НЕФГ техник магнитланиш жараёнини тавсифловчи назарияни ишлаб чиқиш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатидаги домен чегараларининг T_c компенсация ҳарорати атрофида қуйи частотали ишораси ўзгарувчан магнит майдон таъсиридаги силжиш катталигининг ҳароратга боғлиқлигини магнитооптик усуллар ёрдамида ўрганиш;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранати T_c га ҳарорат яқинлашганда домен чегаралари силжиш катталигининг ҳароратга боғлиқлик тавсифини аниқлаш;

магнит компенсация ҳароратини ўз ичига олувчи ҳароратлар оралиғида ишораси ўзгарувчан магнит майдон таъсирида юзага келувчи домен чегараларининг қуйи частотали резонансини тавсифловчи феноменологик назарияни ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 100 мкм қалинликга эга ва сиртлари (111) ва (110) кристалографик текисликларга параллел жойлашган нодир ер феррит-гранатларнинг соф (аралашмасиз) $Tb_3Fe_5O_{12}$, $Dy_3Fe_5O_{12}$ ва $Ho_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатлари, ҳамда аралашмали иттрий-тербийли $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ ва иттрий-гольмийли $Ho_{0.6}Y_{2.4}Fe_5O_{12}$ феррит - гранатлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети нодир ер феррит гранат монокристалларидаги магнит спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар, ушбу фазавий ўтишлар оқибатидаги домен структураларини ўзгаришидир. Шунингдек магнит хусусиятлари яъни коэрцитив куч, домен чегараларининг ҳаракатчанлиги, гистерезис эгри чизиғининг шакли, магнит қабул қилувчанлигидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қуйидаги усуллар қўлланилган: домен структураларини магнитооптик визуаллаштириш усули, магнит қабул қилувчанликни, магнит гистерезис эгри чизиғини, домен чегараларининг динамикасини ўрганувчи Фарадей эффекти усули, қутбловчи микроскоп ёрдамида визуаллаштириш усули, магнит қабул қилувчанликнинг ҳароратга боғлиқлигини, домен чегараларининг силжишини, магнит

гистеризис эгри чизиғини аниқловчи товуш частотаси билан гармоник қонун бўйича ўзгарувчи ўзгарувчан магнит майдонида стандарт интенсивлик усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранати домен структурасининг енгил магнитланувчанлик ўқи йўналишидаги спонтан қайта ориентацияланишидаги эволюцияси биринчи марта тўғридан тўғри визуал топилган ва фазавий ўтиш яқинидаги ҳароратда кристаллнинг магнитооптик қабул қилувчанлиги тор кескин максимумга эга эканлиги, коэрцитив кучнинг эса камайиши аниқланган;

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранати домен структурасининг енгил магнитланиш ўқи спонтан қайта оринтациялаш ҳарорати оралиғида қайта шаклланишини тавсифловчи модель ишлаб чиқилган;

биринчи марта кубик симметрияга эга ферримагнетикларда икки ўқли механик кучланишлар таъсирида ҳосил қилинган магнит ориентацион фазавий ўтиш аниқланган;

нодир ер феррит-гранатларда механик кучланишлар ҳосил қилган ориентацион фазавий ўтишнинг феноменологик назарияси термодинамик потенциал асосида ривожлантирилган;

нодир ер феррит-гранат домен структураларининг магнит компенсация ҳароратини ўз ичига олувчи ҳароратлар соҳасидаги домен структураси биринчи марта тажрибада кузатилган, ҳамда айрим мавжуд назарияларга зид ўлароқ ташқи магнит майдони бўлмаганда кристалл магнит компенсация ҳароратида ўз домен структурасини сақлаши аниқланган;

$Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатида магнит компенсация ҳарорати яқинида кристаллнинг домен структураси техник магнитланувчанлик жараёнига жиддий таъсир кўрсатиши аниқланган ва ферримагнит кристаллнинг магнит компенсация ҳароратини ўз ичига олувчи ҳароратлар соҳаси учун техник магнитланувчанлик жараёнини тавсифловчи модель ишлаб чиқилган;

нодир ер феррит-гранат домен чегараларининг қуйи частотали ишораси ўзгарувчан магнит майдонидаги динамикаси магнит компенсация ҳарорати яқинида биринчи марта аниқланган;

нодир ер феррит-гранат домен чегараларининг қуйи частотали ишораси ўзгарувчан магнит майдонидаги резонансини тавсифловчи феноменологик назарияси магнит компенсация ҳарорати яқинида ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранатларининг спонтан спин қайта ориентацияланиш ҳарорати соҳасидаги бошланғич магнитооптик қабул қилувчанлиги ва Фарадей эффекти магнит гистерезисининг ҳароратга боғлиқлиги аниқланган ҳамда $Ho_{0,6}Y_{2,4}Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг унда икки ўқли планар механик кучланишлар ҳосил қилган ориентацион фазавий ўтишдаги домен структурасининг ўзгариши аниқланган;

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранати домен структурасининг енгил магнитланувчанлик ўқи йўналишидаги спонтан қайта ориентацияланишидаги эволюциясининг экспериментал кузатилган, $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатида бир доменли ва кўп доменли ҳолатларни ажратувчи магнит фазавий *H-T* –

диаграмма ва $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатида магнит компенсация ҳарорати яқинида унинг домен структурасининг техник магнитланувчанлик жараёнига ўзига хос таъсири кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нодир ер феррит-гранат кристалларини тавсифловчи асосий магнит характеристикалар ва домен структураларининг замонавий магнитооптик усуллар комплекси ёрдамида тадқиқ этилганлиги билан таъминланган; шунингдек турли усуллар ёрдамида олинган тажриба натижаларнинг ўзаро мос келиши ва назарий хисоблашларга мувофиқлиги билан; ўлчаш хатоликларининг таҳлили билан; олинган натижаларнинг умум физик тасавурларга мослиги ва адабиётлардаги натижаларга мос келиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нодир ер феррит гранатларининг спин қайта ориентацияланишини тавсифловчи натижалар магнит доменлар физикаси ҳақидаги замонавий тасаввурларни кенгайтиради ҳамда магнит ориентацион фазавий ўтишлар назариясининг қатор фаразларини аниқлаштиради ва биринчи марта кузатилган нодир ер феррит-гранат домен чегараларининг магнит компенсация ҳарорати яқинида ўзгарувчан магнит майдони таъсиридаги қуйи частоталар резонанси, ферримагнит кристаллардаги флексомагнитоэлектрик ўзаро таъсир назариясини ва кўп ўқли магнетиклардаги домен чегаралари динамикаси назариясини ривожлантиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, нодир ер феррит-гранатларнинг магнит спин қайта ориентацияланиш фазавий ўтишлардаги домен структураси қайта шаклланиши қонуниятлари ҳамда магнит қабул қилувчанлик, коэрцитив куч, домен чегараларининг ҳаракатчанлиги каби хоссаларининг ўзгариши магнит микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқишда қўллаш ва ахборотни термомагнит усулда ёзиш ёки ўчиришга асосланган асбобларда қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нодир ер феррит-гранатларнинг спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишлар соҳасидаги домен структураси ва магнитооптик хоссалари асосида:

магнит компенсация нуқтаси яқинида тербий – феррит гранат магнит фазавий диаграммаси №АААА-А17-117021310366-5 рақамли «Фазовые переходы, магнитотранспортные, магнитокалорические и магнитоэлектрические явления в сильнокоррелированных электронных системах» илмий лойиҳада мураккаб магнит тизимларда магнит ва таркибий фазавий ўтишларни аниқлашда қўлланилган (Россия Фанлар академияси Х.И. Амирханов номидаги физика институтининг 2018 йил 16 майдаги 17241/57-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш магнит компенсация нуқтаси яқинида нодир ер феррит-гранатлар магнит ҳолатини тавсифлаш имкониятини берган;

критик ҳароратлар яқинидаги Фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлиги ва ривожлантирилган феноменологик назария РНФ 14-22-00279 рақамли «Фундаментальные поисковые исследования в области магнетизма,

фазовых превращений, магнитоэлектроники и микросистемной техники» илмий лойиҳада магнит ва таркибий ўтишларни аниқлашда қўлланилган (Россия Фанлар академияси В.А.Котельников номидаги радиотехника ва электроника институтининг 2018 йил 4 апрелдаги 11210-2173-220-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш магнетикларда спин-қайта ориентацияланувчи фазавий ўтишларни ўрганиш имкониятини берган;

ишлаб чиқилган спин қайта ориентацияланиш ҳарорати сохасидаги $Tb_{0.2}Y_{2.8}Fe_5O_{12}$ феррит-гранат домен тузилишининг ўзгариш модели Рузаев шинашуносли институтининг ўта-ўтказувчанлик ва машинасозлик саноати лабораториясида конструктив элементларнинг кучланишли ҳолатини аниқлашда фойдаланилган (Рузаев машинасозлик институтининг 2018 йил 10 апрелдаги № 20-01-722-сон маълумотномаси, Россия). Илмий натижадан фойдаланиш конструктив элементлар кучланишли ҳолатини таҳлил қилиш имкониятини берган;

магнит компенсация ҳароратини ўз ичига олувчи ҳароратлар соҳасида олинган ферримагнит кристалл техник магнитланиш жараёни модели Ф2-ФА-0-83921/Ф2-ФА-Ф0383 рақамли «Сильно корреляционные взаимодействия в сверхпроводниках и магнитных материалах и их критические параметры» (2012-2016) лойиҳада магнит материалларни критик параметрларини ҳисоблашда қўлланилган. (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги № 89-03-1371-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш ўта-ўтказгичларда кучли корреляцион ўзаро таъсирларни ҳисоблаш имкониятини яратган;

кубик ферримагнетикларда икки ўқли механик кучланиш таъсиридаги магнит ориентацион фазавий ўтишлар ОТ-Ф2-64 рақамли «Флуктуационные и параметрические явления в конденсированных и нано-размерных системах» (2017-2020) лойихада макроскопик тизимларда эркин энергия ифодасини олишда қўлланилган. (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги № 89-03-1371-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш ишлаш принципи магнит структуралар домен конфигурациялар ўзгаришига асосланган, магнит микроэлектроника қурилма ва жиҳозларини ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 21 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган нашрларда 16 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва 134 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 29 та расмдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Нодир ер феррит гранатларининг асосий физикавий хоссалари, кристалларнинг магнит тартибланиш турлари, магнит ориентацион фазавий ўтишлар»** деб номланиб, ушбу бобда магнит ориентацион фазавий ўтишларни тавсифловчи Ландау назарияси, кристалларнинг магнит тартибланиш турлари, НЕФГ нинг кристалл ва магнит структураси, домен структураси, магнит, оптик ва магнитооптик хоссалари, домен чегараларининг динамикасига бағишланган назарий ва экспериментал ишларнинг шарҳи келтирилган. Ўтказилган адабиётлар шарҳи асосида НЕФГ муҳим илмий ва амалий ахамиятга эга ўзига хос физикавий хоссаларга эга эканлиги ҳақидаги хулосага келинган. Шунинг учун НЕФГ даги ориентацион фазавий ўтишларни тадқиқ этиш долзарб муаммо эканлиги асосланган.

Иккинчи боб **«Нодир ер элементларининг асосий таснифлари, тажриба қурилмалари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган. Унда тажрибада қўлланиладиган қурилмалар, усуллар ҳамда тадқиқ этиладиган намуналар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган, улар воситасида НЕФГ нинг домен структуралари, магнит ва магнитооптик хоссалари ўрганилган.

Экспериментларда НЕФГ нинг соф монокристаллари $Tb_3Fe_5O_{12}$, $Dy_3Fe_5O_{12}$ ва $Ho_3Fe_5O_{12}$, шунингдек аралашмали иттрий тербий $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ ва иттрий гольмий $Ho_{0.6}Y_{2.4}Fe_5O_{12}$ гранатлари ҳам фойдаланилган бўлиб улар эритмадан қотишма кўринишида спонтан кристалланиш усули ёрдамида олинган. Бу НЕФГ нинг танланишига сабаб уларда қатор ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлигидир: соф монокристаллар $Tb_3Fe_5O_{12}$, $Dy_3Fe_5O_{12}$ ва $Ho_3Fe_5O_{12}$ суюқ азотнинг қайнаш температурасидан юқори бўлган магнит компенсация ҳароратига эга; $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ 100 К дан юқори бўлган спонтан спин қайта ориентацияланиш ҳароратига эга, $Ho_{0.6}Y_{2.4}Fe_5O_{12}$ эса нисбатан кичик магнит анизотропияга эга. Бу хусусиятлар НЕФГ даги магнит ориентацион фазавий ўтишларни бизнинг экспериментал шароитларимизда ўрганиш имкониятини беради. Тадқиқ этилган намуналар қалинлиги 100 мкм, кўндаланг ўлчамлари – 2 х 3 мм бўлган ясси параллел пластинкалар шаклида бўлиб, уларнинг сиртлари (110) ёки (111) йўналишидаги кристалографик текисликларга параллелдир.

Намуналарнинг домен структураси (ДС) қутбловчи микроскоп ёрдамида стандарт магнитооптик усул воситасида визуаллаштириш орқали тадқиқ этилди. Бунда тадқиқ этилган кристалл микроскопнинг фокал текислигига

шундай жойлаштириладики барча доменлардаги спонтан магнитланувчанлик векторининг проекцияси тушувчи нур йўналишида бўлади. Домен структураси тасвирининг контрастлиги қўшни доменлардаги фарадей бурилишининг миқдори ёки ишораси билан белгиланади.

Ишлаб чиқилган экспериментал қурилма Фарадей эффектининг майдон ва температурага боғлиқлигини $H \leq 120$ Э бўлган магнит майдон кучланганлиги чегарасида, бошланғич магнитооптик қабул қилувчанлигини $H_0 \leq 60$ Э бўлган қуйи частотали майдон ёрдамида тадқиқ этиш имкониятини беради.


Барча экспериментлар 85 ÷ 295 К ҳароратлар соҳасида тадқиқот ўтказиш имкониятини берувчи ҳамда ҳароратнинг ўртача ўзгариш тезлиги 0,2 ÷ 0,3 К/с бўлган азот оптик криостатдан фойдаланилган ҳолда ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Нодир ер феррит гранатларининг спонтан ёки енгил магнитланувчанлик ўқи йўналишининг механик кучланишлар таъсирида қайта ориентацияланиш ҳолатларидаги домен структураси ва магнитооптик хоссалари»** деб номланиб $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ феррит гранатларининг домен структураси қайта шаклланишини тадқиқ этишга бағишланган.

Ўрганилган намуна ДС нинг ориентацион фазавий ўтиш $\Phi_{111} \rightarrow \Phi_{100}$ даги эволюциясининг асосий босқичлари 1- расмда акс эттирилган. Намунанинг ҳарорати хона хароратидан $T \approx 116$ К ҳароратгача камайтирилганда унинг ДС амалда ўзгаришсиз қолди (1*а* -расм). ДС нинг жиддий қайта шаклланиши $105 < T < 115$ К ҳароратлар соҳасида кузатилади (1 б,в,г - расм). Кўриниб турибдики ҳарорат 115 К дан 105 К га қадар камайганда қўшни доменлар тасвирларининг контрастлиги камайиб, ҳатто намунанинг айрим қисмларида уларнинг тасвирлари бутунлай йўқолди; эски доменларнинг ўрнида эса <100> йўналишга параллел домен чегарали (ДЧ) янги доменлар пайдо бўлди (янги доменларнинг тасвири визуал равишда «тумандан» пайдо бўлганга ўхшайди). Ҳарорат туширилган сари янги доменларнинг сони ортиб борди, янги доменларнинг кенглиги эса деярли ўзгармади, уларнинг узунлиги эса ортиб борди. Натижада $T \approx 105$ К бўлганида янги доменлар намунанинг бутун кузатиладиган юзаси бўйлаб ҳосил бўлди. 105 К дан паст ҳароратларда домен структураларининг тасвири аниқлиги қайта тикланди, уларнинг кўриниши эса экспериментдаги эришиш мумкин бўлган $T = 85$ К минимал ҳароратга қадар ўзгаришсиз қолди. Ҳарорат $T = 85$ К дан қайта оширилганда эса намунанинг домен структура эволюцияси тескари тартибда содир бўлди.


Шунингдек бу бобда феррит домен структураси қайта шаклланиши-нинг уни магнитооптик қабул қилувчанлиги ва коэрцитив кучга кўрсатадиган таъсири ҳам ўрганилди. 2-расмда намунада тадқиқ этилган Фарадей эффектининг магнит майдони $\mathbf{H} \parallel \langle 111 \rangle$ ҳолдаги частотаси 25 Гц қайта магнитловчи майдонда унинг домен структураси қайта шаклланадиган ҳароратлар соҳасидаги боғланишлар кўрсатилган.

2-расмдан кўриниб турибдики ориентацион фазавий ўтиш ҳарорати яқинида гистерезис эгри чизиғи тораяди (H_c коэрцитив куч камаяди), тўйинишдан узоқ соҳада эса $\Phi_F(H)$ чизиқли боғланишга яқинлашади.



а – Т = 116, *б* – 114, *в* – 112, *г* – 104 К ҳароратларда, *д* – намунанинг турғун домен конфигурацияларининг схематик тасвири: $Ф_{111}$ домен фазасидаги спонтан магнит моменти йўналишлари ва мос домен чегаралари узлуксиз чизиқлар ва стрелкалар билан тасвирланган, $Ф_{100}$ фазага мос келувчи конфигурациялар эса пунктир чизиқ ва пунктир стрелка билан кўрсатилган; А ва Б намунадаги енгил магнитланувчанлик ўқи қайта ориентацияланганда локал спонтан магнит моментлари қарама-қарши йўналишда буриладиган соҳалар. *е* – намуна текислигидаги асосий кристаллографик ва лаборатория координаталари системаси ўқларининг жойлашуви (XY текислик – микроскопнинг фокал текислиги).

1-расм. Намуна домен структурасининг тасвири




Т = 150 К (а), 130 (б), 112 (*в*), 110 (*г*), 100 (*д*) ва 85 К (*е*) ҳароратларда олинган

2-расм. Тадқиқ этилган намунада Фарадей эффекти магнит гистерезиси эгри чизиғининг осцилограммалари

Маълумки спонтан магнит моменти $\mathbf{M}_s$ нинг айланиш жараёнида магнитланувчанлик эгри чизиғи гистерезиссиз амалга ошади. Шунинг учун спин қайта ориентацияланиш нуқтаси яқинида тадқиқ этилган намунанинг магнит хоссалари асосан спонтан магнит моментининг магнитланиш йўналишида айланиши билан содир бўлади.

$Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ ДС нинг енгил магнитланиш ўқи йўналиши спонтан қайта ориентацияланиши ҳароратлари соҳасида қайта шаклланишини тавсифловчи ва олинган экспериментал натижаларни сифат даражасида тавсифлашга имкон берувчи модель таклиф қилинди. Бу модель енгил магнитланиш ўқининг қайта ориентацияланиш жараёнида янги магнит фазаси доменларининг пайдо бўлишида флуктуацион механизм асосий роль ўйнашини тушунтириб бера олади.

Шунингдек бу бобда $Ho_{0,6}Y_{2,4}Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг унда икки ўқли планар механик кучланишлар таъсирида ҳосил қилинган ориентацион фазавий ўтишдаги домен структурасининг эволюцияси ва спонтан фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлигини кўрсатувчи эксперимент натижалари ҳам келтирилган. Кристалда берилган симметрияга мос механик кучланиш ҳосил қилиш учун ўрганилаётган намуна мис шайбага маълум тарзда елимланган ва ҳарорат суюқ азот ҳароратигача камайтирилганда шайба радиусининг кичрайиши шунингдек мис ва феррит гранатнинг иссиқликдан кенгайиш коэффициентлари фарқи туфайли кристалл панжарада механик кучланишлар ҳосил бўлади.



а – Т = 85 К (кучланишсиз намуна), *б* – 100, *в* – 93, *г* – 90 К, *д* – спонтан Фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлиги

3-расм. Тадқиқ этилган намуна домен структурасининг тасвирлари

3 *а-г* – расмлардан кўриниб турибдики елимланган намунада 93 К дан кичик ҳароратларда домен структуралари тасвирларининг контрастлиги камаяди ва бунда эски доменлар ўрнига ⟨100⟩ йўналиш бўйлаб жойлашган янги тўғри бурчакли доменлар ҳосил бўлади. Ҳарорат 90 К га етгач янги доменлар намунанинг бутун юзаси бўйлаб «ўсиб чиқади» ва ҳарорат экспериментда эришиш мумкин бўлган 85 К бўлгунга қадар уларнинг кўриниши ўзгармайди.

3 *д* – расмдан кўриниб турибдики «елимланган» намунанинг ҳарорати T = 90 К дан кичик бўлганда спонтан Фарадей эффекти нолга айланади, демак T< 90 К бўлганда локал спонтан магнит моменти векторининг ёруғлик тарқалиш йўналишидаги проекцияси мавжуд бўлмайди. T = 90 К «елимланган» намуна ДС қайта шаклланадиган ҳароратга яқиндир. Ёруғлик доменларнинг марказида жойлашган нуқтага фокусланганлигини инобатга олиб T< 90 К да «елимланган» намуна спонтан магнит моменти вектори (110) текисликдан чиқмаслиги ва ⟨100⟩ йўналишда (Y ўқи бўйича) жойлашиши ҳақидаги хулосага келиш мумкин.


Тадқиқ этилган ориентацион фазавий ўтишни икки ўқ йўналиши бўйлаб кучланишга дучор бўлган кубик кристаллга мос келувчи термодина-мик потенциал асосида тавсифловчи феноменологик назария ишлаб чиқилди. Бу назарияга кўра кристалдаги икки ўқли кучланишлар таъсирида юзага келган анизотропияларни тавсифловчи K_{100} ва K_{110} доимийлар нисбатига ҳамда кубик анизотропияни тавсифловчи K_1 доимийга боғлиқ ҳолда кубик кристаллдаги спонтан магнит моменти йўналишининг қайта ориентацияла-шуви механик кучланишлар таъсирида 1- ёки 2- тур фазавий ўтишлар кўринишида содир бўлади. Бунда 1- ҳолда енгил магнитланувчанлик ўқининг қайта ориентациялашуви сакраб ўзгаради, 2-ҳолда эса унинг йўналиши бир кристалографик ўқдан бошқасига узлуксиз тарзда ўзгаради.

Бу назарияга кўра, бошланғич магнит фазасининг $\mathbf{M}_s \| \langle 111 \rangle$ дан $\mathbf{M}_s \| \langle 100 \rangle$ фазага ўтиши ($K_{100} - K_{110}$) = $|K_1|$ бўлганда сакраш билан содир бўлади (I – тур ўтиш), $\mathbf{M}_s \| \langle 110 \rangle$ фазага ўтиши эса ($K_{110} - K_{100}$) = $|K_1|/2$ – бўлганда узлуксиз рўй беради (II – тур ўтиш). Демак, K_{100} ва K_{110} анизотропия доимийларига боғлиқ ҳолда «елимланган» намунанинг домен структурасининг қайта шаклланиш манзараси принципиал фарқ қилиши лозим: биринчи ҳолда ҳарорат пасайганда $\mathbf{M}_s \| \langle 100 \rangle$ доменлар сакраб пайдо бўлади – бу кузатилган эксперимент натижаларига мос келади; иккинчи ҳолда эса $\mathbf{M}_s$нинг қайта ориентациялашуви доменларда узлуксиз содир бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Тербий феррит гранатининг магнит компенсация нуқтаси яқинидаги домен структураси, домен чегараларининг динамикаси ва магнитооптик хоссалари»** деб номланиб унда $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит гранатининг магнит компенсация нуқтаси атрофидаги ҳароратлар соҳасидаги домен структурасининг ўзгаришини тавсифловчи экспериментал натижалар баён қилинган. Бу тадқиқотлар асосида тербий феррит гранатининг бир доменли ва кўп доменли ҳолатларини ажратувчи магнит фазавий Н – Т – диаграммаси аниқланган.

Мисол учун 4-расмда намуна домен тузилишининг ҳароратга боғлиқлигини характерловчи бир қатор умумий тасвирлар келтирилган, бунда намуна Т = 85 К дан қизитила бошланган бўлиб қизиш тезлиги ~ 0,2 К/с ни ташкил қилган. 2-серияда келтирилган тасвирлар берилган Т ҳароратда намуна максимал қиймат Н = 60 Э дан нолгача тушувчи амплитудали 50 Гц частота билан ўзгарувчи ишораси ўзгарувчи магнит майдонда магнитсизлаштирилганда олинган манзарани акс эттиради.


Намунада доменсиз ҳолатнинг пайдо бўлишини домен чегаралари йўналишида етарлича катта проекцияга эга магнит майдони таъсирида кузатиш мумкин. 5 *а-е* - расмдан кўриниб турибдики намунанинг доменсиз ҳолати T_c магнит компенсация ҳароратидан чап ва ўнгдаги бирор ҳарорат соҳасида кузатилади. 5 *ж* - расмда экспериментал йўл билан олинган магнит фазавий Н – Т – диаграмма келтирилган, унда кўриниб турибдики $T \rightarrow T_c$ га интилганда НЕФГ ва темир панжарасидаги магнит моментлари бир хил қийматга эга бўлади. Шунингдек бу ердан қуйидаги муҳим маълумотларни олиш мумкин 5 *з* - расм: АА и ВВ – ($\varphi = 0$) ва ($\varphi = \pi$) фазалар турғунлигининг йўқолиш чизиғи, СС ва FF – ($0 < \varphi < \pi/2$, $\xi = \pi/2$, $7\pi/6$, $11\pi/6$) ҳолатларнинг турғунлик соҳалари, DD ва GG – ($\pi/2 < \varphi < \pi$, $\xi = \pi/6$, $5\pi/6$, $3\pi/2$) ҳолатларнинг турғунлик чегаралари. Бу ерда φ ва ξ - $\mathbf{M}_{Fe}$ темир панжара магнит моментининг $\{[1\bar{1}0], [11\bar{2}], [111]\}$ Декарт координата системасидаги ([111] ўқ – қутбий ўқ) қутбий ва азимут бурчакларини билдиради.



1-серия 2-серия

Т = 205 К (*а*), 236 (*б*), 248 (*в*), 251 (*г*), 256 (*д*) ва 295 К (*е*) ҳароратларда олинган. 2-серияда, намуна ҳар бир ҳароратда амплитудаси нолга интилувчи ишораси ўзгарувчи магнит майдонда магнитсизлантиришга олиб келинган

4 – расм. Намуна домен структурасининг тасвирлари




а - Т = 200 К, *б* - 240, *в* - 246, *г* - 260, *д* – 270, *е* - 295 К ҳароратларда олинган, бунда намуна ҳар бир ҳароратда амплитудаси нолга интилувчи ишораси ўзгарувчи магнит майдонда магнитсизлантиришга олиб келинган. *ж* – доменсиз ҳолатга ўтувчи намуна магнит майдон кучланганлигининг ҳароратга боғлиқлиги, *з* - **H** ||| [111] даги НЕФГ магнит ҳолатини тавсифловчи *H – T* – фазавий диаграмма

5 – расм. Намуна домен структурасининг тасвирлари ва магнит майдон кучланганлигини ҳароратга боғлиқлиги

Демак айрим мавжуд назариялар натижаларидан фарқли равишда магнит компенсация нуқтасидан ўтганда феррит – гранатдаги ДС **H** = 0 да сақланиб қолади. Шунингдек гранатда T_c атрофида ДС нинг мавжудлиги кристаллнинг колленіар бўлмаган магнит фазасига ўтишини билдиради ва бунда НЕФГ ва темирнинг магнит момент векторлари 180^0 дан фарқ қилувчи бурчак ҳосил қилади.

6-расмда домен чегаралари ўртача йўналишида ориентирланган магнит майдонининг турли қийматларида олинган Фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлик графиклари келтирилган. Кўриниб турибдики, олинган $Ф_F(T)$ эгри чизиқлар, намунани қизитиш ва совутишдаги компенсация нуқтаси орқали ўтувчи ҳароратларда айниқса яққол кўринади.


Таъкидлаш керакки, 6-расмда келтирилган Фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлигига яқин ҳолат, кучсиз магнит майдонларда $Dy_3Fe_5O_{12}$ феррит-гранати T_c магнит компенсация ҳарорати яқинида ҳам кузатилди, лекин диссертация ишини бошлаш вақтида ҳароратни ва магнит майдонни ўзгариши натижасида кузатилган $Ф_F(T)$ эгри чизиқлар шаклининг ўзгаришини қониқарли тушунтириш мавжуд эмасди.



Ташқи магнит майдонининг *а* - Н = 35 Э, *б* - 15, *в* - 10, *г* – 3 ва *д* - 2 Э қийматларида

6 – расм. Ўрганилган намунадаги Фарадей эффектининг ҳароратга боғлиқлиги

Турли ҳароратларда **H** вектор домен чегараларининг ўртача йўналиши бўйича ориентирланган намунани қизитиш вақтида олинган Фарадей эффекти магнит гистерезис илмоғининг бир қатор осциллограммлари 7-расмда келтирилган, улардан кўринадики, $T \rightarrow T_c$ да гистерезис илмоғи



а - 200, *б* - 241, *в* - 249, *г* – 268 ва *д* - 280 К ҳароратда олинган

7- расм. Ўрганилган намунадаги Фарадей эффекти магнит гистерезис илмоғининг осциллограммалари

кенглиги ўсади, лекин бевосита T_c яқинида гистерезис илмоғи амалда сакраб ёпилади ва горизонтал тўғри чизиққа айланади. Бундай гистерезис илмоғи намунани совутишда 245 ÷ 247 К, қизитишда эса 248 ÷ 250 К ҳароратлар оралиғида кузатилади. Шундай қилиб, ушбу ҳарорат оралиқларини эътиборга олмасдан, экспериментда амплитудаси Н = 60 Э бўлган ўзгарувчи магнит майдони бизни қизиқтирувчи ҳароратлар соҳасида намунани тўлиқ магнитсизлантириш шароитини яратади. Ушбу олинган гистерезис илмоғлари T_c яқинида намуна коэрцитив кучининг ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш имкониятини берди.

НЕФГ даги ДЧ ҳаракатчанлигининг тугалланган микроскопик назарияси ҳозирга қадар мавжуд бўлмаганлиги учун $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит – гранатининг T_c яқинидаги техник магнитланувчанлик жараёнини тадқиқ этишда олинган натижаларни таҳлил қилиш учун 180^0 – ли ДС термодинамик назариясидан келиб чиқамиз.

Маълумки, идеал кристаллдаги домен чегараларининг вазияти ташқи магнит майдонида унинг зееман ва магнитостатик энергиялари мувозанати билан аниқланиб тадқиқ қилинувчи намунанинг геометрик ўлчамларига боғлиқдир. Бу ҳолда магнит чегараларининг мувозанат вазиятидан ўртача силжиши $\boldsymbol{H}$ енгил магнитланиш ўқи (Е.М.Ў) бўйлаб йўналганда қуйидаги шартдан аниқланади

$$2M_s H = kx, \tag{1}$$

Бунда k – қайтарувчи куч доимийси (қайишқоқлик коэффициенти), x - домен чегарасининг магнит майдон таъсиридаги мувозанат вазиятига нисбатан силжиш катталиги. Бу ҳолда Фарадей бурилиш бурчаги

$$\Phi_F = \theta_F \left(S_+ - S_-\right)/S = A\theta_F x, \tag{2}$$

бунда S – намунанинг ёритилган юзаси, S_+ ва S_- – $\mathbf{M}_s$ вектор қарама-қарши йўналган доменлар юзаси, A – пропорционаллик коэффициенти, θ_F – спонтан Фарадей эффектини тавсифловчи бурчак бўлиб, қуйидагича аниқланади

$$\theta_F = \left(a\vec{M}_{Fe}\cos\theta_1 + bM_R\cos\theta_2\right)l, \tag{3}$$

бунда a и b – ёруғлик частотасига боғлиқ бўлган магнитооптик коэффициентлар, θ_1, θ_2 – $\mathbf{M}_{Fe}$ ва $\mathbf{M}_R$ векторларининг намуна текислигига ўтказилган перпендикуляр билан ҳосил қилган бурчаклари (коллениар магнит фазасида $\theta_1 = \theta_2$); l – намуна қалинлиги.

Аммо етарлича катта ўлчамларга эга бўлган реал намуналарда домен чегараси вазиятини аниқловчи асосий сабаб, унинг кристал панжарасидаги пиннинг марказларининг фазовий тақсимотидир, ушбуни инобатга олган ҳолда (1) га кўра техник магнитланишнинг тўйиниш майдони катталигини қуйидагича ёзиш мумкин.

$$H_н = H_p + kw/4M_s, \tag{4}$$


бунда w – домен кенглиги, ($x = w/2$ – силжишнинг мумкин бўлган максимал қиймати), (2) тенгламани эса қуйидаги кўринишда қайта ёзиш мумкин

$$F = \Phi_F/\theta_F = 2AM_s\left(H - H_p\right)/k, \tag{5}$$

$\theta_F \propto M_s$ бўлганлиги учун $F(T)$ ва $F(H)$ боғланишлар кристалл магнитланувчанлигининг ҳароратга ҳамда майдонга боғлиқлигини акс эттиради деб ҳисоблаш мумкин.

Агар домен чегараларидаги пиннинг марказларини кристалларда мавжуд магнит бўлмаган аралашмаларнинг микроскопик тўпламидан иборат деб фараз қилсак $H_p = \vartheta M_s$, бунда ϑ – дефектлар сони, шакли ҳамда ўлчамларига боғлиқ коэффициентни билдиради. Бу ҳолда $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит – гранатига мос келувчи $M_s(T)$ ҳароратга боғлиқлигидан фойдаланиб (4) ва (5) ёрдамида $H_н(T)$ ва $F(T)$ боғланишларни ҳисоблаш, ҳамда уларни мос эксперимент натижалари билан таққослаш мумкин.

Эксперимент натижаларига мос келтирилган $H_н(T)$ ва $F(T)$ функциялар 8 – расмда келтирилган.



а – намунанинг бир доменли ҳолатга ўтиши: узлуксиз чизиқ – (4) бўйича ҳисоблаш натижалари, нуқталар – эксперимент, *б* - турли *H* майдон кучланганликлари учун олинган эгри чизиқлар: 1 эгри чизиқ – 3 Э, 2 эгри чизиқ – 2 Э. Узлуксиз чизиқлар – (5) бўйича ҳисоблаш натижалари, нуқталар – эксперимент

8 - Расм. Ташқи магнит майдони ва Φ_F/θ_F нисбат катталигининг ҳароратга боғлиқлиги

8 *а* ва б – расмларда келтирилган графикларни таққослаш асосида (4) ва (5) формулалар намунани магнитлашдаги домен структура ўзгаришини визуал кузатиш ва Фарадей эффектини ҳароратга боғлиқлигини кузатишга асосланган икки мустақил эксперимент натижаларини етарлича яхши аниқлик билан тавсифлайди дейиш мумкин.

Шундай қилиб, реал шароитни соддалаштириш мақсадида қилинган қатор чекланишлар ва яқинлашувларга қарамасдан ушбу модел $Tb_3Fe_5O_{12}$ феррит – гранатининг магнит компенсация ҳарорати орқали ўтувчи ҳароратлар соҳасида унинг техник магнитланувчанлик жараёни қонуниятларини кристалл ДС нинг *H* ва *T* ўзгариши билан боғлиқ ўзгаришларини ҳеч бўлмаганда сифат даражасида тўғри тушунтириб бера олади.

Шунингдек $Tb_3Fe_5O_{12}$ нинг компенсация нуқтаси жойлашган $200 \le T \le 295$ К ҳароратлар соҳасида фарадей буралишининг ҳароратга боғлиқлиги экспериментал тадқиқ қилинди. 9-расмда 25 ва 75 Гц частота билан ўзгарувчи магнит майдонида намунани $T = 85$ К дан бошлаб қизитишда олинган

$|\Phi_F|$ бурчакнинг ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. 9-расмга кўра $|\Phi_F|$ катталик $T \to T_c$ максимал қийматгача ошиб боради ва нолга яқин равишда кескин камаяди; айниқса $\Phi_F \approx 0$ қиймати ҳароратнинг етарлича кенг ($\approx$ 10 К) оралиғида кузатилади.

Магнит компенсация ҳароратига яқинлашганда домен чегаралари силжишлари катталигининг ҳароратга номонотон боғланишини талқин қилиш учун домен чегаралари ҳаракатининг феноменологик назариясини таклиф қилдик, унга биноан ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишга эга

$$m\frac{d^2x}{dt^2} + \frac{dx}{dt}\alpha + kx = 2M_sH_o\cos\omega t \qquad (6)$$

Бу ерда: x – домен чегарасининг силжиши, m – домен чегараси бирлик юзасининг массаси, α – қовушқоқ ишқаланиш параметри (сўниш коэффициенти), k – қайтарувчи куч доимийси (қайишқоқлик коэффициенти), H_0 – магнит майдонининг амплитудавий қиймати, ω – унинг доиравий частотаси, $\boldsymbol{M_s}$ – спонтан магнит моменти.

Барқарорлашган режимда домен чегараларининг мажбурий тебранишлар ифодаси, стандарт белгилашлар асосида қуйидаги кўринишни олади

$$x = X_o[(\omega_o^2 - \omega^2)^2 + 4\beta^2\omega^2]^{-1/2}\cos(\omega t - \delta), \qquad (7)$$

